

“Рўйхатдан ўтказилди”
Тошкент шаҳар Миробод тумани
хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик
субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш
Ягона дарча маркази

2018 йил “17 ” Май



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер
университети ректори

К.Х.Каримов

2018 йил “12 ” июн

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҶАРО ВЕСТМИНСТЕР
УНИВЕРСИТЕТИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИННИГ
УСТАВИ**

**TOSHKENT SHAHRIDAGI XALQARO VESTMINSTER
UNIVERSITETI AKADEMIK LITSEYINING
USTAVI**

Тошкент ш.
2018 йил

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейи Давлат таълим стандартларига мос равишда ўрта маҳсус маълумот берувчи, ўқувчиларнинг қизиқиши ва имкониятларидан келиб чиқиб, чукурлаштирилган таълим йўналишлари бўйича ўқитиш, олий таълимга мақсадли йўналтириш, жадал интеллектуал ривожланиш билан таъминловчи, шунингдек, маҳсус чукурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассислик берувчи давлат таълим муассасасидир.

2. Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейи (кейинги ўринларда академик лицей) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 декабрдаги 270-сонли “Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети хузуридаги академик лицей ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 10 декабрдаги 237-сонли “Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети хузурида академик лицей ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига асосан ташкил этилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сонли қарорининг 2-иловасида академик лицейларнинг номлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасарруфига берилаётган олий таълим муассасалари томонидан ўзгартирилиши мумкинлиги изоҳлаб ўтилган. Шу қарорига мувофиқ академик лицейнинг номи Устав янги таҳририда ўзгартирилган.

4. Академик лицей ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг ҳайъат қарорлари ва буйруқлари, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг кенгаш қарорлари ва ректор буйруқлари, йўриқномалари, кўрсатмалари, таълим тизимиға оид меъёрий-хуқуқий хужжатлар, шунингдек, ушбу Устав асосида амалга оширади.

5. Академик лицей мустақил юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансига, Молия вазирлигининг ғазначилигига ва унинг худудий бўлинмаларида шахсий ҳисоб рақамларига ҳамда ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа белгилар ва реквизитларга эга бўлади.

6. Академик лицей берилган моддий-техник базасини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини амалга оширади, шунингдек ажратилган маблағлардан рационал ва самарали фойдаланишни назорат қиласи.

7. Академик лицей Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг (кейинги ўринларда ТХВУ) ташкилий қисми ҳисобланади.

8. Академик лицейнинг номи:

давлат тилида – Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейи

қисқартирилган номи – ТХВУ академик лицейи

рус тилида – Академический лицей Международного Вестминстерского университета в городе Ташкенте.

қисқартирилган номи – АЛ МВУТ

Инглиз тилида – Academic Lyceum of Westminster International University in Tashkent

қисқартирилган номи – AL of WIUT

9. Академик лицейнинг тўлиқ манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25 уй.

II. Академик лицейнинг мақсад ва вазифалари

10. **Академик лицейнинг мақсади** - ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли шахс сифатида шакллантириш, шунингдек, жамиятда ўзларининг мустақил ўрнини топиш, таълим ва касблар бўйича дастурларни танлаш, уларни ўзлаштириш учун асос яратиш, фундаментал илмий-назарий асослар нуқтаи назаридан пухта билимга эга бўлишлари учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, шахснинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун кенг имкониятларни таъминлаш, ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим даражасини оширишда ТХВУнинг ўқув, илмий салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишини ташкил этиш, Университетнинг ўқув илмий салоҳиятидан, моддий-техник базаси, таълим ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни мақсадли таълимга йўналтириш ва пировард натижада академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига мақсадли ўқишини таъминлаш.

11. **Академик лицейнинг вазифалари:**

олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириш имкониятини таъминлайдиган таълим дастурларини ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг энг истеъододли ва иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш;

давлат таълим стандарти талаблари бажарилишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятиларини янада ривожлантириш ва ўқишини олий таълим муассасаларида давом эттиришга чуқур тайёрлаш;

ўқувчиларни танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билим олишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш;

ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти, қобилияти, индивидуал истеъоддларини намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, ҳар бир ўқувчининг мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш;

илғор маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

таълим жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини кўлланилишини таъминлаш;

академик лицейдаги ўкув жараёнининг сифатини даврий равиша ошириб бориш;

академик лицей ўқитувчиларининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратини ошириб бориш мақсадида доимий семинар, тренинглар ўтказиш;

академик лицей ўқитувчиларини аттестацияга тайёрлаш, малака тоифаларини ошириб бориш;

академик лицей ўқитувчиларини илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш ва уларга олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилардан илмий-методик раҳбарлар тайинлаш;

илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни таълим-жараёнига татбиқ этиш;

академик лицей фаолиятига оид мониторинг натижаларини ТХВУнинг илмий кенгаши муҳокамасига киритиш;

академик лицейнинг иқтидорли ўқувчиларини фан олимпиадалари, кўриктанловлар орқали аниқлаш, рағбатлантириб бориш, республика ва халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш;

академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишига кириш кўрсаткичларини ҳар ўкув йили бошида таҳлил қилиш ва тегишли чоратадбирларни белгилаш;

ўкув тарбиявий жараёнда соғлом муҳитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалга татбиқ этиш;

ўқувчиларда ватанпарварлик, ўз Ватани билан фаҳрланиш ҳис-туйғусини ривожлантириш, миллий ўзлигини англаш, миллий, маданий, тарихий анъаналарга хурмат билан қарашни кучайтириш;

ўқувчиларнинг изчил интеллектуал, маданий ва маънавий-аҳлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжни қондириш;

доимий равиша ошириб боришни таъминлаш;

ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини, шунингдек, маънавий етуклигини мунтазам ошириб бориш;

академик лицейни айрим фанлар чукур ўрганиладиган давлат ихтинослаштирилган умумтаълим муассасалари билан таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб бориш доирасида ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга кўйиш;

ТХВУ билан ҳамкорликда академик лицейга ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш.

12. Академик лицейнинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва дастурлари, юқори турувчи бошқарув органларининг тегишли буйруқлари ва кўрсатмалари бажарилишини таъминлаш;

давлат таълим стандартларига мувофиқ соҳа йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг интенсив интеллектуал ривожланишини ва пухта табақалаштирилган ўқитишини таъминлаш;

ўқувчиларни республика, халқаро фан олимпиадалари ва кўрик танловларда самарали иштирокини таъминлаш;

доимий равишда ўқитувчиларнинг сифат даражасини, касбий ва педагогик маҳоратини, шунингдек, маънавий етуклигини мунтазам ошириб бориш;

ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан ўқув-тарбиявий ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб бориш;

ўқувчиларнинг танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билим олишлари учун имкониятлар яратиб бериш;

ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ва ўқишини олий таълим муассасаларида давом эттиришга тайёрлаш;

ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билимларни олиш жараёнида мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим мұхитини яратиш;

илғор маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш ва унинг мазмунини доимий равишда янгилаб бориш;

таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ишларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёнида соғлом мұхитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалга татбиқ этиш.

13. Академик лицейнинг хуқуқлари:

Амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейга ўқишига қабул қилишни, курсдан-курсга ўтишини, бошқа таълим муассасасига кўчирилишини, курсдан қолдирилишини, четлаштирилишини ҳамда қайта тикланишини, шунингдек, академик таътил беришни ташкил этади. Ўқиши тамомлаган битирувчиларга Давлат намунасидағи диплом ва эгаллаган мутахассислиги бўйича сертификат берилишини таъминлайди;

ота – оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идораларга ўкув-тарбия ишларини ривожлантириш бўйича мурожаатлар йўлладиди;

турли молиявий манбалардан фойдаланиб, академик лицейнинг маҳсус фондини шакллантиради;

ўқища (ишда) аъло кўрсаткичларга эришган ўқувчи ва ўқитувчилар ҳамда ишчи ходимларни тақдирлайди (моддий ва маънавий), мукофотга тақдим этади, лозим бўлганда уларга интизомий жазо чораларини (хусусан, жарима қўлланилиши мумкин) кўради;

академик лицей эҳтиёжи асосида ўрнатилган тартибда зарур моддий жиҳозларни ва бошқа моддий ресурсларни корхона ва ташкилотлардан белгиланган тартибда ижарага олади ёки харид қиласи, шунингдек, ўзининг бўш турган моддий жиҳозлар ва бошқа моддий ресурсларини ижарага беради.

III. Таълим олувчилар

14. Академик лицейга ўқувчиларнинг хужжатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети томонидан 2015 йил 27 майда тасдиқланган “Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети хузуридаги академик лицейга ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқув жараёни сифатини таъминлаш тўғрисида”ги низомга мувофиқ ҳолда тузилган маслаҳат маркази томонидан амалга оширилади. Шунингдек, саралаш тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция мурожаатлари ҳам академик лицейининг Низомига мувофиқ қўриб чиқиласи.

15. Академик лицейга ўқувчиларни йўналишлар бўйича қабул қилиш бўйича лицей директори раислигига Маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Маслаҳат кенгашининг таркиби, унинг ваколатлари, хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

16. Академик лицей ТХВУ билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, улар ўртасида академик лицейда

ўқишини давом эттириш бўйича тарғибот ва ташвиқот олиб бориш бўйича ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

17. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни илм-фанга қизиқтириш ва уларни академик лицейга йўналтириш тадбирлари доирасида турли мусобақалар, викториналар, учрашувлар ва савол-жавоблар ҳамда ўқув фани бўйича ўқувчилар билимини аниқлашга қаратилган кўрик-танловлар ташкил этилади.

18. Академик лицейга қабул қилиш, бошқа таълим муассасасига кўчириш, курсда қолдириш, четлаштириш ва қайта тиклаш, шунингдек, академик таътил беришни расмийлаштириш тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган чет эл фуқаролари академик лицей ўқувчиси бўлиши мумкин.

20. Академик лицей ўқувчиларининг хуқуклари:

таълим йўналишини ихтиёрий танлаш;

ўқув бинолари, лаборатория, ахборот ресурс маркази (кутубхона), спорт мажмуаларидан фойдаланиш, ўзларининг қобилиятларини намоён қилиш ва ривожлантириш, ўз салоҳиятини ўстириш, ўз билимларини фанлар бўйича чуқурлаштириш;

замонавий фан ва техника тараққиётiga мос билимларни олиш;

ўз-ўзини бошқарадиган ўқувчилар органига SU (Students' Union) сайлаш ва сайланиш, курс кўмитаси йиғилишларига ССМ (Course Committee Meeting) ўз фикрини эркин баён этиш ҳамда академик лицей фаолиятида энг муҳим масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш;

академик лицейнинг ижодий фаолиятида иштирок этиш;

ўқув режаси доирасидан ташқари, ижтимоий, спорт ва фан тўгаракларига қатнашиш орқали билим олиш;

ўз фикрини эркин баён этиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига ҳамда умумий ўрта таълим мактабларига ўқишини кўчириш, академик таътил олиш, қайта тиклаш бўйича (вояга етмаганлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар орқали) мурожаат қилиш;

турли танловлар, республика ва халқаро фан олимпиадаларда иштирок этиш;

хорижий турдош таълим муассасаларининг илфор тажрибалари билан танишиш;

ўқишини тамомлагандан сўнг Давлат намунасидаги диплом ва эгаллаган таълим мутахасислиги бўйича сертификат олиш;

ТХВУнинг ўқув-лаборатория ускунаси, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш; умумтаълим фанлари бўйича дарсликларни ижара асосида олиш; ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Академик лицей ўқувчиларининг мажбуриятлари:

Ота-оналар кўмитаси томонидан танланган ва қабул қилинган ўқувчиларнинг формаси: академик лицей эмблемаси туширилган кўк костюм, шим ва юбка, оқ кўйлак ва қора галстукда машғулотларга қатнашиш;

ТХВУ ва академик лицей ички тартиб-қоидалар талаблари ҳамда академик лицей Устави, санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

Давлат таълим стандарти ва ўқув режаларида белгиланган ўқув фанлари бўйича пухта билим эгаллаш ва тўлиқ ўзлаштириш;

одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиш;

жамоат тартиб қоидаларига риоя этиш;

конференцияларда ва лицейнинг бошқа ўқув-тарбиявий тадбирларида фаол иштирок этиш;

ТХВУ ва академик лицей мулки (жихозлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-лаборатория жихозлари)га эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

чукурлаштириб ўтиладиган фанлар бўйича бошланғич илмий кузатишлар олиб бориш.

IV. Ўқув – тарбиявий, ўқув ва илмий – методик иш

22. Ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалар ва ўқув дастурлари асосида белгиланади. Академик лицейда таълим жараёни давлат тили, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

23. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан берилган академик лицей ўқувчиси рейтинг дафтарчаси тўлиқ расмийлаштирилиб, ўқувчиларга бепул тарқатилади. ТХВУ томонидан академик лицей ўқувчиларига ва ўқитувчиларига магнит ID-карталари бепул берилади.

24. Академик лицейда ўқув гурухлари таркиби 26 нафар ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилади. Чукурлашиб ўрганиладиган фанлар (таълим йўналишлари) бўйича академик лицейда амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари иккита кичик гурухларга бўлиб ўқитилади.

25. Ўқув йилининг бошланиши ва унинг тугатилиши муддати ўқувчиларининг ҳафталиқ юкламаси ва якуний назоратлари ҳамда таътилларининг давомийлик муддати, шунингдек ўқишини якунлаш шакллари ва турлари ўқув режалари асосида амалга оширилади.

Академик лицейда ўқитишининг кундузги шаклига амал қилинади. Ўқиш муддати 2 йил.

Академик лицейда барча ўқув машғулотлари учун икки академик ўқув соат давомийлиги 80 дақиқа этиб белгиланади.

26. Академик лицейда биринчи кунги машғулотлар таълим муассасалари ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ вазирлик ва идоралар, уларнинг жойлардаги бўлинмалари, ҳокимлик, ҳомийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштироқида тантанавор руҳда, Ўзбекистон Республикаси байроғини олиб чиқиши ва мадҳиясини ижро этиш билан бошланади.

27. Академик лицейда ўқув машғулотларини олиб бориш учун ТХВУ профессор-ўқитувчилари, тажрибали мутахассислар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш асосида жалб этилиши мумкин.

ТХВУ томонидан режа асосида академик лицейнинг ўқув-тарбиявий, ўқув-методик ва илмий-методик ишлари таҳлил этилади, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

28. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида “Устоз-шогирд” анъаналарини ривожлантириш, илмий салоҳиятни кучайтириш мақсадида ТХВУ ва академик лицей томонидан илмий-услубий ва илмий мақолаларни маҳалий ва хорижий нашриётларда чоп этишда ўқитувчиларга амалий ёрдам берилади.

29. Ўқувчиларнинг билими ва кўникмаларини баҳолаш амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар ҳамда ТХВУ билан келишилган ички мезонлари асосида амалга оширилади.

30. Академик лицейда тарбиявий ишлар миллий анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб, ташкил қилинади. Тарбиявий ишлар ўқув жараёни билан биргаликда оиласлар, маҳалла, жамоат ташкилотлари, шахснинг ижодий фаолиятини шакллантирувчи, Ўзбекистон Республикасиниг Мустақиллик принципларига содик ва жамиятнинг ривожига реал ҳисса қўша оладиган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

31. Академик лицей ўқувчиларини умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобига ижара асосида амалга оширилади. Кам таъминланган оиласлардан бўлган ўқувчилар умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан бюджет маблағлари ҳисобидан бепул таъминланади.

32. Ўқишидаги ютуқлари, ўқув-илмий, ижодий фаолияти ва бошқа ишларда фаол қатнашганлиги учун академик лицей ўқувчиларига турли хил маънавий ва моддий рағбатлантиришлар белгиланади.

Рағбатлантириш шакли ва уни бериш тартиби академик лицей директори ва ТХВУ ректори томонидан белгиланади.

33. Академик лицейда сабаблардан қатый назар, назорат ишларининг исталган туридан ўқувчиларни озод қилишга йўл қўйилмайди.

34. Ўқитиш ҳар бир курсда барча фанлар бўйича якуний назорат билан якупланади.

35. Ўқув йилининг тугалланиши, ўқувчиларни курсдан курсга ўтказиш, ўқув йилининг якуни бўйича кўшимча тадбирлар тантанали равища амалга оширилади. Аълочи ўқувчилар академик лицей фахрий ёрликлари ва бошқа совгалар билан тақдирланиши мумкин.

36. Ўқувчиларни курсдан курсга ўтказиш, ўқув йилининг якуни бўйича кўшимча тадбирлар ўқув муассасаси жамоат ташкилотлари томонидан миллий инъаналар, ўзбек халкнинг ўзига хос хусусиятлари ва умуминсоний қадриятларини қисобга олган ҳолда амалга оширилади.

37. “Ўзбекистон Республикаси ўрта маҳсус, касб-хунар талими муассасалари ўқувчилари ўқиши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан чётлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ академик қарздорликка (ўзлаштирмасликка) эга бўлган ёки ўқув режаси талабларини бажармаган (3 ва ундан ортиқ фан бўйича “қониқарсиз” якуний йиллик баҳо олган) ўқувчилар педагогик кенгашнинг қарори бўйича ўқув йили тамом бўлгач, бир йил такроран ўқиш учун курсда қолдирилиши мумкин.

38. Ўқув режада белгиланган барча фанларни тўлиқ ўзлаштирган ўқувчи академик лицей директорининг буйруғига асосан якуний давлат аттестациясига қўйилади.

39. Академик лицей битиравчиларига маҳсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги сертификат ўрнатилган тартибда берилади.

40. Ўқув режасида назарда тутилган фанлардан якуний баҳоларининг камида 86 фоизи “аъло” ва қолган фанлардан “яхши” бўлган, якуний аттестация синовларидан “аъло” баҳолар олган, намунали хулққа эга бўлган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга аъло даражали диплом берилади.

41. Битиравчиларга диплом ва сертификатлар академик лицейда тантанали тадбирда топширилади. Тадбирга уларнинг ота-оналари, ТХВУ ва бошқа олий таълим муассаса вакиллари, ҳамкор корхона ва ташкилотлар шунингдек оммавий ахборот воситалари таклиф этилади.

42. Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишининг таълим дастурини бажарган, бироқ якуний давлат аттестациясида иштирок этмаган ёки ундан ўтмаган 2-босқич ўқувчилари педагогик кенгаш қарори асосида якуний давлат аттестацияси комиссияси фаолият кўрсатаётган даврда 2 йил мобайнида якуний давлат аттестациясини қайта топшириш ҳуқуқига эга. 2 йил мобайнида якуний

диплат аттестациясини топширмаган ўқувчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ болсакчда қайта ўқиш учун ариза бериши мүмкін.

43. Якуний давлат аттестациясида ижобий баҳо олган ўқувчига белгиланған тартибда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тұғрисида диплат намунасидаги диплом ва сертификат берилади.

44. ТХВУ академик лицейнинг ўқув-тарбия жараёнига илмий-услубий раҳбарлық қылади.

45. ТХВУнинг академик лицейдеги ўқув жараёни самарадорлигини оширишда бүйича күмаклашиш даражаси күйидеги мезонлар билан белгиланади:
ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш күрсаткичлари динамикасы;

ўқувчиларнинг фан олимпиадалари, күрик-танловлардаги ютуқлари;
ўқитувчиларнинг сифат таркибини яхшилаш динамикаси;
ўқитувчиларнинг турли күрик-танловларда эришган натижалари;
ўқитувчиларнинг чоп этилған ўқув, илмий-методик ишланмалари.

V. Академик лицейнинг тузилиши

46. Академик лицей штатлари жадвали “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳаражатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тұғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилади, тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказилади.

47. Академик лицейда Педагогик кенгаш, методик кенгаш, ота-оналар кенгаши тузилади ва фаолият юритади.

48. Академик лицей таркибидә касаба уюшма, хотин-кизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти, ТХВУнинг университетгача ўқув бўлими ва академик лицейдеги таълим-тарбия жараёнига даҳлдор бўлган бошқа жамоат тузилмалари ташкил этилиши мумкин.

49. Академик лицейда фан кафедралари ташкил этилади.

Академик лицейда ташкил этилган кафедралар улар фаолияти тұғрисидаги Низомлар билан тартибга солинади.

50. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари соатбай ҳақ тўлаш асосида академик лицейга жалб этилади. Академик лицей ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини рағбатлантиришда битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишига кириш күрсаткичлари, фан олимпиадаларидаги эгаллаган ўринлари, күрик-танловларда эришган муваффақиятлари инобатга олинади.

51. Академик лицей ўқитувчилари ТХВУнинг тажрибали профессор-ўқитувчиларига бириктирилади, ҳамда улар ўртасида таълим сифатини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Академик лицей ўқувчи ва ўқитувчиларини

роғбапшындириш мақсадида ўқувчи ҳамда ўқитувчилар ўртасида турли хил сенинниңдалар ва кўрик-танловлар ташкил этилади.

52. Академик лицейнинг педагогик кенгашида ТХВУ раҳбарлари ва ТХВУ учун бўлиммининг вакили иштирок этади.

Йилига 2 марта академик лицейдаги ўқув-тарбия ва илмий-методик ишлар самарадорлиги ТХВУ кенгашларида ҳисобот беради.

ТХВУ кенгашларида академик лицей директори иштирок этади.

VI. Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ходимлар

53. Академик лицейга ходимларни педагог фаолиятга жалб этиш Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 3 авгуустдаги 2910-сонли “Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида нина қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида танлов йўли билан амалга оширилади.

54. Ишга қабул қилинувчининг хукуқ ва мажбуриятлари ҳамда ишни ташкил қилиш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги бўйича, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ўқув муассасасининг педагог ходимлари учун тарификация асосида, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар учун штат жадвалига кўра амалга оширилади.

55. Академик лицей ўқитувчи ва бошқа педагог кадрларга қисқартирилган нин вақти белгиланади, ҳар йили мавжуд имтиёзларга эга узайтирилган пуллик меҳнат таътили берилади.

56. Педагог кадрлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда аттестацияга жалб этилади ва аттестация натижалари бўйича қабул қилинган қарор асосида педагог кадрларнинг малака тоифалари кўриб чиқилади.

57. Академик лицей бошқарув ва педагог ходимлари тегишли Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг кўрсатмаси асосида белгиланган муддатларда малака ошириш курсларига жалб этилади.

58. Академик лицей раҳбар ва педагог ходимларининг лавозим мажбуриятлари ва хукуqlари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан таъдикланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими асосий лавозимларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси” асосида белгиланади.

59. Академик лицей педагог ходимлари ва ишчи ходимлари амалдаги қонун қужжатларига асосан ТХВУ раҳбарияти билан келишилган ҳолда директорнинг бўйруги билан лавозимга тайинланади ёки ўз лавозимидан озод этилади.

Педагог ходимларнинг ўқув йили давомида иш фаолияти таҳлил қилинади ва меҳнат шартномасининг муддати узайтирилади ёки белгиланган тартибда бекор қилинади.

60. Директор ўринбосарлари белгиланган тартибда танлов натижалари оширилди Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг буйруғи асосида лавозимга сийинланади ва озод этилади.

VII. Академик лицейга раҳбарлик қилиш

61. Академик лицейни бошқариш ТХВУ томонидан амалга оширилади. Академик лицей директори белгиланган тартибда танлов натижалари асосида ТХВУ ректорининг тавсиясига кўра Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири буйруғи асосида лавозимга тайинланади ва озод этилади.

62. Академик лицей директори ҳузурида Педагогик кенгаш ташкил этилади. Педагогик кенгашнинг функциялари куйидагилар ҳисобланади:

академик лицей тараққиётининг асосий йўналишларини, таълим сифатини иннириш ва такомиллаштириш, қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш йўлларини белгилайди;

таълим мазмунининг турли шакллари, (ўқув режаси, дастури, қўлланмалар) ўқув-тарбия жараёнининг услублари ва уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқади, ўқувчиларни қабул қилиш, курсдан-курсга кўчириш, ўқишдан четлаштириш ишларини муҳокама қиласида ҳамда амалга оширади;

Маслаҳат маркази, академик лицей фан кафедралари ҳисоботларини иннигади ва муҳокама қиласи;

педагогик ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, педагогик тажрибасини оммалаштириш ишларини ташкил қиласи;

Педагогик кенгаш ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган низом асосида олиб боради;

Педагогик кенгаш қарори директор буйруғи билан тасдиқланади ва академик лицейга жорий этилади.

63. Академик лицейнинг умумий фаолиятини бошқариш директор томонидан амалга оширилади.

Академик лицей директори Педагогик кенгаш раиси ҳисобланади. Академик лицей директори ўқув муассасаси номидан иш кўради, хусусан: бошқа ташкилотлар билан боғлайди, унинг моддий базасини мустахкамлайди, шартномалар тузади, шу жумладан, хорижий турдош таълим муассасалари билан, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб рақамлари очади, ўқув муассасаси доирасида барча ўқитувчилар, ишчилар ва ўқувчилар учун мажбурий бўлган буйруқ ҳамда кўрсатмалар беради.

64. Академик лицей директори:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларнинг бажарилишини ташкилайди, таълим муассасаси фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга

оширади, педагогик кенгашни бошқаради, таълим сифатини яхнилани, ўкувтарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантиришининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг бажарилиши ва натижаси устидан назорат қиласи, ўкувтарбия жараёнининг барча босқич ва бўлимлари фаолиятини ташкиллаштиради;

академик лицейдаги ишларнинг сифати ва самарадорлигига, болалик ва меҳнатни ҳимоя қилиш талабларнинг бажарилишига жавобгардир;

дарсдан ташқари ишларнинг ташкил этилишига зарур шарт шароитлар яратиб беради;

ўкув тарбиявий жараёнларни режалаштиради ва ташкил этади. Унинг бажарилиши ва натижаси устидан назорат қиласи;

давлат таълим стандартлари, ўкув режалар ва дастурларни бажарилишини, академик лицей устави талабларига риоя қилишни таъминлайди;

давлат ва жамоат ташкилотларида таълим муассасаси манфаатларини ҳимоя қиласи, таълим муассасасининг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлайди, ўқитувчилар йиллик иш режаларининг ўкув ва педагогик юкламаларини бажарилишини назорат қиласи;

ўқувчилар томонидан тизимли билимлар олишини таъминлайди;

ўкув жараёнига педагогик технологияларни ва таълим воситаларини киритади;

ўз ваколати доирасида таълим муассасасининг молиявий хўжалик масалаларини ҳал этади, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишини таъминлайди;

ўкув жиҳозлари ва бошқа ўқитиш воситаларининг сақланишини таъминлайди, таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

педагог кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, штат жадвалини белгиланган хизмат доирасида тасдиқлайди, педагогик ходимлар аттестациясини ташкиллаштиради;

ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади, меҳнат, ишлаб чиқариш, ижро интизоми ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;

ходимларини рағбатлантириш бўйича маҳсус комиссияга бошчилик қиласи, маҳсус комиссия қарори асосида ходимларга қўшимчалар, бир марталик мукофотлар ва моддий ёрдамни тайинлайди;

академик лицейга ўқувчиларни қабул қилишни, курсдан-курсга ўтишини ташкил қиласи, васийлик кенгаши, ота-оналар, маҳалла қўмитаси, жамоат ва ҳомий ташкилотлари билан ўкувтарбия ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб боради;

ўсмирларнинг ҳуқук va манфаатларини ҳимоялаш ва муҳофазалаш бўйича талабномаларга амал қилинишини таъминлайди;

кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш ишларини ташкил этади;

битирудчилар бандлигини таъминлаш ишларини ташкил этади ва мониторингини олиб боради;

малака ошириш учун шароитлар яратади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини оғзаки ва ёзма мурожаатлари бўйича қабул қиласи;

академик лицей битирудчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга кириши, академик лицей фаолияти натижалари учун шахсан жавоб беради.

65. Академик лицей директори амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

VIII. Жамоат ташкилотлари

66. Академик лицей таркибида касаба уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи бошлангич ташкилоти ва академик лицейдаги таълим-тарбия жараёнига даҳлдор бўлган бошқа жамоат тузилмалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ушбу Устав асосида олиб борилади.

IX. Академик лицейнинг мол-мулки ва маблағлари

67. Академик лицей фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларидаги белгиланган тартибда қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий-техникавий дастурлари рўйхатига киритилган илмий дастурларни мақсадли молиялаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлар буюртмаси бўйича танлов асосида бажариладиган ишлар учун ажратиладиган маблағлар;

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

68. Академик лицейнинг молиявий воситалари тўла ўзининиг қарамогида бўлади, мусодара қилинмайди, академик лицей қонунда белгиланган тартибда улардан фойдаланади.

69. Академик лицейнинг ер майдонлари, бино ва иншоотлари ҳамда мол-мулкини бошқа муассасаларга бериш ёки ўтказиш ТХВУ билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги розилиги билан қонун ҳужжатларидаги белгиланган тартибда амалга оширилади.

70. ТХВУ бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан академик лицей учун

ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўкув қўлланмалари билан таъминлайди ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўкувчиларини моддий қўллаб-куватлайди.

71. Кам таъминланган ўкувчиларга ички имкониятдан келиб чиқиб, академик лицейнинг бюджетдан ташкари маблағлари хисобидан моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

X. Яқунловчи қоидалар

Академик лицейни қайта ташкил этиш ва тугатиш

72. Академик лицейни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисида қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.


73. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

74. Уставга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур Устав Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети академик лицейининг 2017 йил “28” декабрь даги Педагогик кенгашида (6-сонли баённома) муҳокама қилинган.

Ушбу Устав Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети
билим келинининган.

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер
университети ректори



К.Х.Каримов

“10” январ



2018 йил

Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер
университети академик лицейи директори



Ш.Ю.Султанова

“12” январ

2018 йил

